

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 743-ҳадис

1. 743. Хұзайфа розияллоқу анхұдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга таом есак, то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлаб, қўл узатмагунларича биз қўл узатмас эдик. Бир сафар у зот билан бирга таомга ҳозир бўлган эдик, бир қизча худди бирор қувгандек (шошиб) келди-да, қўлини таомга узатмоқчи бўлган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қўлидан тутиб қолдилар. Кейин бир аъробий худди бирор қувгандек (шошиб) келган эди, у зот унинг ҳам қўлидан тутиб қолдилар-да, шундай дедилар: «**Шайтон Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган таомни ўзига ҳалол қилиб олади.** У (таомни) ўзига ҳалол қилиб олиш учун мана бу қизчани олиб келган эди, унинг қўлидан тутиб қолдим. Сўнг уни ўзига ҳалол қилиб олиш учун мана бу аъробийни олиб келган эди, унинг ҳам қўлидан тутиб қолдим. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, унинг (шайтоннинг) қўли бунинг (қизчанинг) қўли билан бирга менинг қўлимда (тўхтаб қолди). Сўнг у зот Аллоҳнинг исмини айтиб едилар».

Имом Муслим ривояти.



NUBUVVAT MARVARIDLARI